

МАХСУЛОТ ТАҚДИМОТИ

WoolAn

Glassmat plita



ТАШҚИ ДЕВОР УЧУН ТАЙЁР ЕЧИМ!

WGP-ёнгин ва намликка қарши қопламали ташки фасад плитаси.

Бу қоплама ишлатилинганда деворларда чириш ва могор пайдо бўлишни олдини олади.

Ёнмайдиган материал бўлганлиги учун WGP хонани ёнгиндан сақлайди. Ёнгин вақтида WGP материали ишлатилинган деворлар бошқа материаллардан қилинган деворларга нисбатан анча яхши сақланади.



WGP- сувни секин шимиши туфайли 2 соатда 3%, 24 соатда эса 8% намланиши мумкин. Бошқа фасад плиталарини ичида ўзига сув ва намликни энг кам миқдорда шимадиган плита ҳисобланади.

(Диққат қилинг: WGP сув ўтказмайдиган материал ҳисобланмайди).

ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзунлиги	2500 мм	
Эни	1200 мм	
Қалинлиги	12,5 мм	15 мм
Ўртача оғирлиги	10,8 кг/м ²	13,5 кг/м ²
Мустаҳкамлик чегараси	1000 Н	
Умумий намланиши	5%	
Бўкланиш диаметри	1,5 м	
Могорлашга чидамли	10 (юқори кўрсаткичи)	
Буг ўтказувчанлик коэффициенти	10 (юқори кўрсаткичи)	
Иссиклик ўтказувчанлиги	0,25 В/м°С	
Чекка тури	Торайган кирраси-квадрат кирра	
Ёнгинга чидамли	Ёнмайди	

WGP ХУСУСИЯТЛАРИ

- Glassmat қопланган WGP си гипсокартондан кўп маротаба мустахкамроқдир.
- WGP бактерия ва могорлашга йўл қўймадиган материал.
- WGP A1 гуруҳига қарашли ёнмайдиган қурилиш материал.
- Цемент қўшилган қоришмани асосий қопламага суртиш билан текислаш иши бажарилинади, кетидан иккинчи маротаба кейинги қоришманини қўллаш кифоя. Шу билан деворимиз бўёқ ишларига тайёр. *
- Эгилувчанлик кучи ҳар икки йўналишда ҳам бир хил, шунинг учун WGP дан унумли фойдаланиш мумкин.
- WGP бу қурилиш материали ёқимли ва ажралмас фасад дизайн тизими сифатида ёмгирдан химоя қилиш ечимини ҳал қилади,
- WGP махсулотини ҳар қандай оби ҳавода қўллаш мумкин, жумладан жуда паст ёки юқори ҳароратларда ҳам.
- WGP ўзи қотирилган юк кўтарувчи конструкцияни мустахкамлигини оширган ҳолда химоя қилади.
- WGP ишлатиш учун енгил ва жуда қулай (Асоси цементли плиталардан анча енгил).
- WGP сув ва намликни шимишда бошқа плиталарга нисбатан яхши, бинони ташқи қисмига ишлатилинадиган бошқа цементли ва целлюлозали плиталарга нисбатан ўлчамли барқарорликни таъминлайди.
- Ўзининг беқиёс техник мукаммаллиги учун канцелярия пичогида осон кесилади.
- Бинони ташқи қисмларини лойихалаштирганда иссиқлик изоляцияли деворларни паст иссиқлик ўтказувчи материалар билан қоплаш мумкин.

ТАШҚИ ДЕВОР ПЛИТАЛАРИНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ БИЛАН СОЛИШТИРГАНДА

Хусусиятлар/фойдалар	WGP	Цемент плиталари	Фиброцемент плиталари
Намлиги юқори бўлган хоналар учун мос	+	+	+
Намлиқдан мукаммал химоя қилади	+	—	—
Ёнғинга чидамли	+	—	—
Енгил	+	—	—
Ўлчамларни барқарорлиги	+	+	—
Кесиш осон	+	—	—
Қирралари осон кесилади	+	—	—
Канцелярия пичоги билан кесилади	+	—	—

* Қурилиш жараёнида чидамли ёриқларни ямовчи лента, мустахкам чидамли сетка 110 г/м² дан фойдаланинг. Минерал гипс устига қўлланиладиган асосий қоплама ёки бўёқни ишлатишдан олдин, гипс ва бўёқ ишлаб чиқарувчиси билан маслаҳатлашинг ва уларнинг тавсияларига қатъий риоя қилинг.

- WGP ташқи деворларга ва шунинг учун биноларга энг юқори энергия самарадорлиги «А» синфига эга бўлишига имкон беради.
- Девор юзаси узоқ вақт давомида ҳеч қандай қопламасиз об-ҳаво таъсирида очиқ қолиши мумкин.
- WGP айниқса шифтларда сезиларли бўладиган чўкиш ва бурилишларнинг олдини олади.
- WGP иш пайтида юзага келиши мумкин бўлган эскириш, бурилиш, бузилиш ва бошқа хар қандай ташқи таъсирларга чидамли.

ҚЎЛЛАНИШИ

- Ташқи девор тизимларида (ҳаво айланадиган фасад, синч каркас)
- Барча турдаги қопламалар учун (металл, сайдинг, ёғоч, декоратив ғишт),
- Нам жойларда, мансарда ва томларда
- Ер ости деворларини қуриш учун
- Керамик плиткалар устидан.

Биноларнинг ташқи деворларини қоплаш учун WGP панелларидан фойдаланиш мавжуд бинонинг деворларини изоляция қилиш учун паст зичликдаги иссиқлик изоляцион минерал пахтани ишлатишга имкон беради. Ушбу оддий ечим А ва Б синфидаги биноларда энергия самарадорлигига эришиш имконини беради. Сиз паст зичликдаги иссиқлик изоляциясининг керакли қалинлигини ҳисоблаш учун, иссиқлик изоляцияловчи материалнинг оғирлиги ва нархини камайтиришингиз мумкин.

Ташқи WGP билан сиз паст коэффициентли девор тизимлари учун турли хил ечимларни топишингиз мумкин. Бинолардаги иссиқлик йўқотилишининг тахминан 40% ташқи деворларга тўғри келади, бу эса биноларни лойиҳалашда энергия самарадорлигини ошириш учун иссиқлик ўтказувчанлиги паст бўлган минерал пахта изоляцияларини ташқи деворларда фойдаланиш муҳимлигини таъкидлайди.

Ўзининг афзалликлари ва ажойиб ишлаши билан WGP — дизайн эркинлигини таъминлаган ҳолда саноат эҳтиёжларини қондирадиган инновацион ташқи девор учун мўлжалланган махсулотдир.



«ХАВО АЙЛАНАДИГАН ТАШҚИ ДЕВОР СИСТЕМАСИ» ТИЗИМИДА WGP

WGP панеллари хаво айланадиган ташқи девор тизимларида
фойдаланиш учун мўлжалланган






Хаво айланадиган ташқи девор системалари учун ёрдамчи материаллар.

Г-шаклидаги тутқич
50-75 – 100 – 125 – 150



Қалинлиги 2 мм бўлган тутқич, девор
текислигини ушлаб туриш учун
ишлатилади.

Т-шаклидаги фасад бурчак профили		WGPни маҳкамлаш учун
Бурчак профили 30x30		Бу бурчакларни зарбага қарши мустаҳкамлаш учун руҳланган бурчак профилидир
П-профилини бошланиши		WGPни полдан ажратиб турувчи руҳланган ёки ПВХ асосидаги профил
Квартс куми асосида тайёрланган минерал пахта		Ички ва ташқи деворларда фойдаланиш учун мўлжалланган изоляцион материал
Пўлат анкерлар		Темир-бетон юзаларга Г-шаклидаги тутқичларни қотириш учун
Ўз-ўзидан бурғулаш винти		Ташқи девор плиталарини профилларга маҳкамлаш учун, қалинлиги 2 мм
Ўз-ўзидан бурғуланадиган олти қиррали винт		Т-шаклидаги профилни Г-шаклидаги тутқичга маҳкамлаш учун
Мавжуд деворга ўрнатиш учун дюбеллар		Дюбеллер Г-шаклидаги мавжуд бўлган тутқичларни деворларга ўрнатиб, винтлар билан қотирилинадиган, ғишт, газобетон, помза блоклари каби девор сиртларига




МАТЕРИАЛЛАР САРФИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Материалларнинг номи	1 м ² учун қилинган сарф	1 м ² учун қилинган сарф
	↔ 60 см (*)	↔ 40 см (*)
WGP плиталари	1,05 м ²	
Г-шаклидаги тутқич қалинлиги 2 мм 30x75/100/125/150	2,7 дона	3,9 дона
Т-шаклидаги фасад профили (50x50; 0,9 мм)	1,9 м	2,8 м
Минерал пахта (паст зичликли)	1,05 м ²	
Ўз-ўзидан бурғулаш винтлари (20 см ораликда)	15 дона	20 дона
Ўз-ўзидан бурғулаш олти бурчакли винт	5,4 дона	7,8 дона
Пўлат анкерлар	2,5 дона	3,6 дона
Мавжуд деворга ўрнатиш учун дюбеллар	2,9 дона	4,2 дона
Профилни бошланиши	База периметрига боғлиқ	


* (*) ↔ 60 см — Т шаклидаги профил ўқлари орасидаги ўлчамни англатади

!!! – Ҳисоблаш 3x10 м = 30 м² бўлган деворда амалга оширилди, ҳисоб-китобларга 5% руҳсат киритилган.


ҚЎЛЛАНИШИ




Хаво айландиган ташқи деворни классик изоляция билан ва ташки плита WGP билан ҳам оханглиги.




Қотириладиган чизиқларни белгилаш: Г-шаклидаги тутқичларни ҳар 70 смда вертикал буйича ва 60 смда горизонтал буйича бошқарув иплар ёрдамида белгилаймиз.




Юзани тайёрлаш. Тутқич ўрнатилинадиган юзани яхшилаб тозалаш керак.




Г-шаклидаги тутқич ўлчамини деворга нисбатан вертикалик муваффақиятига эришиш ва иссиқлик изоляциясини кераклик қалинлигидан фойдаланиш учун танланади.




Г-шаклидаги тутқични ўрнатиш. Г-шаклидаги тутқичлар пулат анкерлар билан икки нуқтада тўсин-устунлар, поллар каби бетон қисмларга бириктирилади.




Махсус дюбеллар. Тутқичлар мавжуд деворларга дюбеллар ёрдамида қотирилиши керак.




Г-шаклидаги тутқичларнинг жойлашуви. Биз вертикал равишда чўзилган ипнинг узунлигига мос келадиган Г-шаклидаги тутқичларни ўрнатамиз. Биз уни деворга керакли ҳолатда ўрнатамиз.




Г-шаклидаги тутқичлар ҳар 60 см (ёки 40 см) ораликда деворга горизонтал ва ҳар 70 смда вертикал ўрнатилади.




Темир-бетон конструкцияларни (устун, нур, замин) кесиб ўтувчи Г-шаклидаги тутқичлар уларга бир-биридан тенг масофада, лекин бетоннинг четидан камида 3 см масофада ўрнатилади.




Т-шаклидаги фасад профилини ўрнатиш. Г-шаклидаги тутқичлардан 25 мм дан ошмаслиги керак ва девордан 50-150 мм гача.




Т-профил вертикал равишда текисланади ва Г-шаклидаги тутқичларга 2 та олти қиррали винтлар билан маҳкамланади




Т-шаклидаги профилни текислаш горизонтал текисликда тортилган режа ипга қараб амалга оширилади. Т-профили Г-шаклидаги тутқичларга қотирилилади.




Лойиҳага қараб, Т-шаклидаги профилнинг марказий масофаси ўрнатилади
Ўқлар орасидаги масофа 60 (ёки 40 см).




Кейинги вертикал Т-шаклидаги профиллар ўртасида камида 5 мм масофа қолдирилиши керак.




Плнтусда Т-шаклидаги профилларни улаш. Профил ва пол ўртасида камида 5 мм бўш жой қолдириш керак.



Ўйингиз томида Т-профилларини улаш. Профил ва том ўртасида камида 5 мм бўш жой қолдириш керак.




Минерал пахтани ётқизиш. Паст зичликдаги минерал пахта ҳисобланган қалинлиги Т-шаклидаги профиллар орасига ётқизилинади.




Минерал пахта изоляциянинг яхлитлигини бузмасдан, профиллар орасидаги бор бўшлиқни тўлдириб, эҳтиёткорлик билан деворнинг бутун юзасига қопланади.

19




Бошланғич профилни ўрнатиш. WGPни полдан ажратиш учун девор юзаси бўйлаб Т-профилга бириктирилган бошланғич профил қотирилинади.

20




WGP ни кесиш. Аввал қалам билан кесиладиган жойга чизиб белгилаймиз.

21



WGP олдиндан белгиланган чизик бўйлаб ўлчагич ёрдамида пичоқ билан кесилади.

22




WGP ни бураш, WGP плитаси бошланғич профилга винт билан ўрнатилинади.

23



WGP шундай жойлаштириладики, 2 плитанинг четлари Т шаклидаги профилнинг ўртасига тўғри келиши шарт.

24




WGP 20 см дан ортиқ бўлмаган вертикал ораликда винтлар ёрдамида профилларга бириктирилади. Винтларнинг бошлари сирт билан бир текисда жойлашади ва ядро ичига киришига йўл қўймайди.




WGP нинг ҳар бир кейинги қатори вертикал равишда яримга нисбатан силжийди ва кейинги қаторга бутуни қотирилинадди..кейин яна яримтаси.. шу ҳолда давом этади.




Вертикал ва горизонтал равишда мукамал текисланган WGP юзаси фасад қатлами материаллари билан қопланишга тайёр. WGP ҳеч қандай сирт қопламасисиз ташқи об-ҳав шароитларида ўз ҳолида туради.




Ички бурчакларни текислаш. Ички бурчакка мос келадиган тутқич , бурчакдан 30 см дан ошмаслиги керак. Бурчакни шакллантириш зарур бўлган бурчакка, бурчак профили ўрнатилади.



Бурчакнинг шаклланиши WGP ни ички бурчакнинг ташқи қисмидан бурчак профилига маҳкамлаш билан яқунланади.




Тутқичлар бурчакдан 10 см дан ошмаган ҳолда бўлиши керак. WGP бурчак профилга қотирилинадди.



Ташқи бурчакнинг шаклланиши WGP ни бошқа томоннинг бурчак профилига маҳкамлаш билан яқунланади.

31




WGP сиртини сувашдан олдин, ҳар 25 метрда қўшма профилни ўрнатиш керак, кенгайишни сақлаб қолиш учун горизонтал равишда ПВХ тўрлиги билан.

32



WGP сиртини сувашдан олдин, кенгайишни сақлаб қолиш учун ҳар 6 метрда вертикал равишда ПВХ асосли тўр билан қўшма профилни ўрнатиш керак.

33



Эшик бурчакларида ҳосил бўладиган ёриқлар хавфини камайтириш учун бурчакларга тўр сеткасини ўрнатиш ва цемент асосидаги қорихма билан суванг.

34



Дераза эшикларининг бурчакларидаги ёриқлар хавфини камайтириш учун сиз тўр сеткасини ўрнатиш ва уни цементли қорихма билан суваб қўйинг.

35




WGP га минерал қорихмани сувашдан олдин, плиталар орасидаги ўлоқлар чидамли тўр лента ёрдамида ямалган бўлиши керак.


36



Сувоқ қатламини ямалган катлам устига қўллаш, камида 1 кун ўтгач амалга оширилиши керак.



WGP га минерал қоришмани қўллашда ташқи бурчаклар учун чидамли тўрли ПВХ бурчак профилидан фойдаланиш керак.




Ташқи бурчакларда фойдаланиш учун ўрнатиладиган чидамли ПВХ тўрни иккала томондан 20 см орлиқда қўллаш керак.




Биринчи қатлам сувогини ва минерал қоришмани қўллаганингиздан сўнг, сирт бўялади. Минерал қоришма ва бўёқни қўллаш учун минерал қоришма ва бўёқ ишлаб чиқарувчининг тавсияларига амал қилинг.


ДЕРАЗЛАР ЎРНИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТАФСИЛОТЛАРИ



Лойиҳага кўра, 60 ёки 40 см оралиқ масофасига эга бўлган Т-шаклидаги профиллар деразалар устида ёки пастда Г-шаклидаги тутқишларга ўрнатилади.




Перемичка профилини яратиш. Қалинлиги 0,6 мм бўлган П-шаклидаги профил кесилади ва қирралари 20 см юқорига букланади.




Перемичка профилини ўрнатиш. Бу профил ойнанинг пастки қисмидаги Т-профиллари устига ўрнатилади.




Перемичка профилини маҳкамлаш. Дераза профили икки нуқтада ўзи бураладиган олти қиррали винт ёрдамида Т-профилларга маҳкамланади



Перемичка профилини ўрнатиш. Профил дераза устидаги Т-шаклидаги профилларга ўрнатилади.




Перемичканинг ён профилини тайёрлаш. Деразанинг ён профиллари тайёрланади ва деразанинг ён томонларига жойлаштирилади.




Перемичканинг ён профилларини маҳкамлаш. Вертикал профиллар олти қиррали винтлар ёрдамида горизонтал профилларга бириктирилади.




Минерал пахтани ётқизиш. Профилларнинг бўш жойида изоляциянинг узлуксизлигини таъминлаш учун енгил сиқилиб, паст зичликдаги минерал пахта ётқизилади.




Кераклиги кесилади ва перемичка профилларига ўралади.



Янги дераза токчаси WGP тепасидаги профил перемичкаси-га ўрнатилади. Дераза токчасининг кенглиги девор қалинлигига мос келиши керак.




Тўғри ўрнатиш. WGP плиталарлари бир-бири билан ўртада уланиши керак




Нотўғри ўрнатиш. WGPлари уланиши четларига тўғри келмаслиги керак.


ЭШИК ЎРИНЛАРИНИ ТАРТИБЛИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАФСИЛОТЛАРИ



Лойихага кўра, 60 ёки 40 см оралиқ масофага эга Т-шаклидаги профиллар эшик устидаги Г-шаклидаги тутқичларга ўрнатилади.




Перемичка профилини яратиш. Қалинлиги 0,6 мм бўлган П-шаклидаги профил кесилади ва қирралари 20 см юқорига бўкилади.




Перемичка профилини ўрнатиш. Перемичка профили Т-шаклидаги профилнинг пастки қисмидан ўтказилади.



Перемичка профилини маҳкамлаш. Перемичка профили Т-профилга ҳар икки томонидан иккита нуқтада олти қиррали винтлар билан қотирилинади.




Перемичканинг ён профиллари тайёрлаш. Перемичкани ён профиллари тайёрланади ва эшикнинг ён томонларига ўрнатилади.



Перемичкаларнинг ён профилларини маҳкамлаш. Перемичкани ён профиллари горизонтал перемичканинг юқори профиллари бирлашмасида олти қиррали винтлар билан қотирилади.

Ён таянч профилларини маҳкамлаш. Перемичкаларнинг ён профиллари пастки асосий қисмдаги пойдеворга уланадиган нуқталарда дюбеллар билан мустаҳкамланади.



Тўғри ўрнатиш. WGP плиталари ўланиши эшик перемичкаси ўртасига тўғри келиши керак.



Нотўғри ўрнатиш. WGP плиталари ўлоқлари кўндаланг бўлмаслиги керак, эшикнинг четларига тўғри келмаслиги керак.



ХАВО АЙЛАНАДИГАН ТАШҚИ ДЕВОР ТИЗИМИ ҲАҚИДА ТЕЗ-ТЕЗ БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР


САВОЛЛАР	ЖАВОБЛАРИ
Ташқи деворлар учун қандай тутқичлар ишлатилинади?	Г–шаклидаги тутқичлар деворларга мос дюбллар ёрдамида бириктирилади.
Хаво айланадиган ташқи девор тизимида ишлатиладиган минерал пахтанинг зичлиги қандай бўлиши керак?	Минерал пахтанинг юқори зичлиги яхши иссиқлик изоляцияси эканлигини англатмайди. Иссиқлик изоляциясининг бўшлиқларсиз профиллар орасига ётқизилиши муҳим аҳамиятга эга.
Мавжуд деворга минерал пахтани ўрнатишимиз керакми?	Минерал пахтани мавжуд деворга ёпиштириш шарт эмас, уни енгил сиқиш билан профиллар орасига ўрнатиш керак.
WGP ни горизонтал равишда ўрната оламизми?	WGP горизонтал ва вертикал равишда ўрнатиш мумкин.
WGP қирраси улоқлари шахмат катаги тартибида бўлиши керакми?	WGP улоқлари шахмат катаги тартибида бўлиши керак.
Нима учун винтлар орасида 20 см масофа бўлиши керак?	20 см масофа шамол юкига қараб белгиланади.
Ташқи девор хаво айланиш тизимида қути профилидан фойдаланиш мумкинми?	Қути профиллари ҳарорат ўзгариши билан қисқариш ва кенгайиш туфайли улоқлардаги ёриқларга олиб келиши мумкин. Қути профили, унинг кесими туфайли, кўпроқ совуқ жойларни ҳосил қилади. Шу сабабли, уни ишлатмаган маъқул.

WGP ТЕКИС ВА СИЛЛИҚ СИРТ ВА ЎРНАТИЛАДИГАН ҚОПЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН СИЛЛИҚ ЮЗАНИ ТАЪМИНЛАЙДИ







WGP ЯККА СИНЧЛИ ТАШҚИ ДЕВОРЛАР ТИЗИМИДА

WGP якка синчли ташқи деворлар тизимида 150 км/соат шамол юкига бардош бериш учун мўлжалланган, таянч профилларининг масофаси 40 см, максимал бинони баландлиги 100 м гача



Якка синчли ташқи деворларни ёрдамчи материаллари

Йўналтирувчи профил 38x38 мм маҳкамлаш орқали		Пол ва шифтга ташқи девор тизимлари учун
Ташқи деворлар учун қўллаб-қувватлаш профили 47x47 мм, девори 0,9 мм		Якка синчли тизимнинг профили, рухланган
Иссиқликдан химоя қилишни таъминлайдиган 50-75-100 ёпишқоқ лента		Ўзи ёпишадиган эластик лента, товуш ва иссиқдан химоя қилади
Бошланиш нуқтаси		ПВХ профили WGP ни полдан ажратиши
Квартс қумига асосланган минерал пахта		Ички ва ташқи деворларда фойдаланиш учун изоляцион материал
Дюбел - винт		Рухланган профилларни диаметри 8 мм бўлган пластик дюбел ва 45 мм винт билан темир бетон девор юзаларига маҳкамлаш учун
Ўз-ўзидан бурғулаш винти 35		Тизимнинг ички қисмидан гипскартон плиталарини маҳкамлаш учун
Ўз-ўзидан бурғулаш винти		Ташқи деворга WGP плиталарини қотириш учун



МАТЕРИАЛЛАР САРФИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Материалларнинг номи	1 м ² учун қилинган сарф	1 м ² учун қилинган сарф
	↔ 40 см (*)	↔ 60 см (*)
WGP плиталари	2,10 м ²	
Гипсокартон	1,05 м ²	
Таянч профили (47x47 мм/ 0.9 мм)	2,9 м	2,1 м
Йўналтирувчи профил (38x38; 0,6 мм)	0,84 м	
Минерал пахта (паст зичликли)	1,05 м ²	
Ўзи бураладиган винтлар (интервал наруж -20 см, внутр.- 40 см)	37 дона	23 дона
Ўзи бураладиган винтлар 35 (интервал 30 см)	16 дона	12 дона
Дюбел-винт	5,25 тўплам	
Зичловчи тасма	1,5 м	
Уловчи ёки қоғоз тасма	1,8 м	
Улоқларни ишқалаш учун қоришма	0,4 кг	
Бошлангич профил	Периметр асосига боғлиқ	


(*) ↔ 60 см (ёки 40 см) — Таянч профил ўқлари орасидаги ўлчамни англатади

!!! – Ҳисоблаш 4x2,5м = 10 м², бўлган деворда амалга оширилди, ҳисоб-китобларга 5% рухсат киритилган.


ҚЎЛЛАНИШИ




1 Бир қаватли ташқи деворларга якка синч, қайсики темир-бетон ва пўлат металл бино системаларини тез монтаж қилиш учун мўлжалланган.




2 **Зичловчи тасмани ёпиштириш.** Йўналтирувчи ва таянч профилининг паст қисмига 10 см эластик ёпишқоқ тасма ёпиштирилади.




3 **Профилларни винт билан қотириш.** Таянч профили ораси 60 см масофа билан шифтларга қотирилади. Синч ташқаридан ичкаридаги чегарагача 12,5 мм ёки 15 мм бўлиши керак.




4 Профилни ташқи чизиги вертикал ўлчов (шовун) ёрдамида юқоридан паст нуқтага ўтказилади.




5 Таянч профили WGP қалинлигини ҳисобга олиб, бурчакдан 12.5 мм ва 15 ммга жойлаштирилади.



6 Таянч профили полга 60 см масофа оралигида қотирилади.




Йўналтирувчи профил пол билан шифт оралигида 1 см кесилади.




Зичловчи тасма билан қотирилган йўналтирувчи профил 60x60 см оралигида устунларга дюбел билан қотирилади.




Йўналтирувчи профиллар 40 см оралиқ билан таянч профилларга жойлаштирилади.




WGPни профилга қотиришдан олдин, бошланғич профилни пастдаги таянч нуқтасига, полга бириктириш керак.



Кесиш чизиғи қалам билан белгиланади.




WGP олдиндан белгиланган чизиқ бўйлаб ўлчагич ёрдамида пичоқ билан кесилади.




WGP синч рамкага бириктирилади.



WGP бошланғич пластик профилдан ўтади ва таянч профилига бириктирилади.




Биз WGP ни 20 см вертикал ва 40 см горизонтал ораликда маҳкамлаймиз.




WGP бутун бўшлиқни тўлдиради ва шахмат рамкаси шаклида синчга маҳкамланади.




Минерал пахтани профиллар орасига жойлаштирамиз.




Самарали иссиқлик изоляциясини таъминлаш учун минерал пахтани профиллар орасидаги бутун бўшлиқни тўлдириш учун ишлатилади.



Девор бўйлаб бир хил иссиқлик изоляциясини таъминлаш учун минерал пахта эҳтиёткорлик билан ётқизилиб, иссиқлик изоляциясининг узлуксизлигини ва фасад плиталари орасидаги бўшлиқлар тўлдиришни.




WGP деворнинг ички юзасига шундай маҳкамланадики, маҳкамлаш жойлари профиллар қотирилган жойларга тўғри келиб қолмаслиги керак.




WGP ички томондан 40 см оралиқда ўзи бураладиган винтлар билан қотиртирилган.



Тўлиқ ўлчамли плиталар профилларга қотирилинади.



Ички ва ташқи юзалар билан WGP ўланиш нуқталари шахмат рамкаси шаклида жойлаштирилиши керак.



WGPни ичкаридан маҳкамлагандан сўнг, керамика ва бетон поллари каби нам ишларни бажариш мумкин.




Нам ишни тугатгандан сўнг, ички қисм гипсокартон билан қопланади. Гипсокартон улоқлари WGP улоқларига мос келмаслиги керак.




Гипскартон 30 см вертикал ва 40 см горизонтал ораликда 35 мм ўзи бураладиган тежамкор винт билан маҳкамланади.


ДЕРАЗА РОМ ЎРНИЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТАФСИЛОТЛАРИ




Ром жойлашган чизиққа мос келадиган вертикал чизиқда таянч профиллари ва йўналтирувчи профиллари бир-бирига қартилади.




Иккита бир-бирига қараган профиллар деразанинг ён томонларига деразанинг кенлигига мос келадиган ўлчамларда жойлаштирилади.




Перемичка профилини яратиш. Қалинлиги 0,6 мм бўлган П-шаклидаги профил кесилади ва қирралари 20 см юқорига букилади.




Перемичка ромнинг пастки қисмига жойлаштирилинади.




Перемичка камида иккита нуқтада винтлар ёрдамида ичкардан ён профилларга маҳкамланади.




Перемичкани юқори профилини ромни ўлчамига мослаб жойлаштириш ва уни икки томондан ён томонларга бураб қўйиш.




Дераза ромни жойлашадиган бўшлиқдаги металл рамка тугалланди.




Агар керак бўлса, ойна остида ва юқорисида қўшимча профилларни ўрнатишингиз мумкин.




Тўғри ўрнатиш. WGP улоқлари эшик юқорисининг ўртасида учрашиши керак.



Нотўғри ўрнатиш. WGP плиталари эшик четларига мос келмаслиги керак.




WGP, мос ўлчамларда кесилади, дераза четларига ўрнатиб ётқизилади.




Ўрнатиш қисмлар ўзи бураладиган винтлар билан маҳкамланади. Дераза ўрни ромни ўрнатишга тайёр.


ЭШИК ЎРИНЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАФСИЛОТЛАРИ




Эшик рамкаси ўрнатиладиган вертикал чизикда таянч ва йўналтирувчи профиллар бир-бирига қарата ўрнатилади.




Қўшилган профиллар эшикнинг кенлигига мос келадиган масофада, эшик қўйиладиган тешикнинг чеккалари бўйлаб жойлаштирилади.




Перемичка профилини яратиш. 0,6 мм қалинликдаги йўналтирувчи профили эшикнинг кенлигига кесилади ва тўғри бурчак остида 20 см юқорига эгилади.




Перемичка профилини ўрнатиш. Яратилган перемичка профили эшик бўшлиғининг юқори қисмига жойлаштирилади.




Перемичка профили баландликка ўрнатилади.




Перемичка профили ён профилларга ичкаридан камида 2 винт билан ўрнатилади




Агар керак бўлса, сиз 40 см масофада эшик устидаги қўшимча йўналтирувчи профилларини ўрнатишингиз мумкин.



Тўғри ўрнатиш. WGP плиталари улоқлари эшик юкориси ўртасида учрашиши керак



Нотўғри ўрнатиш. WGP улоқлари эшик четларига мос келмаслиги керак.



Тўғри келадиган ўлчамдаги WGP, кесилади ва эшик атрофидаги профиллар орасига жойлаштирилади. Ўрнатилган қисмлар ўзи бураладиган винтлар билан маҳкамланади. Эшик ўрни ўрнатишга тайёр.


ЯККА СИНЧЛИ ТАШҚИ ДЕВОР ТИЗИМИ ҲАҚИДА ТЕЗ-ТЕЗ СЎРАЛАДИГАН САВОЛЛАР

САВОЛЛАР	ЖАВОБЛАРИ
Якка синчли ташқи деворлари учун бионинг юқори даражадаги баландлиги қанча?	Бу кам қаватли қурилишда фойдаланиш учун тавсия этилади, лекин 100 м гача бўлган максимал юқори даражадаги баландлиги билан 150 км/соат шамол тезлиги учун, 40 см таянч профилларининг оралиқ масофаси бўлган тизимларда фойдаланиш учун ҳамма қулайдир.
Профилларни ички интерьерда якка синч холатида ишлатиш мумкинми?	Ташқи девор профиллари рухланган бўлиши керак. Ташқи деворда ишлатиладиган профилларнинг девори қалинлиги 0,9 мм бўлади.
Ташқи деворни якка синчли тизимида маҳкамлаш учун оддий ўзи бураладиган винтларини ишлатиш мумкинми?	Ташқи деворни якка синчли тизимида оддий ўзи бураладиган винтлардан фойдаланиш яхши эмас, чунки улар зангга чидамли эмас. Зангга чидамли сифатли винтлардан фойдаланиш керак ташқи деворларда.
Бошланғич профилни нима учун ишлатамиз?	Бошланғич профил WGP нинг пол билан алоқасини йўқ қилади.
Нима учун WGP ташқи деворнинг якка синчли тизимининг ички қисмида ҳам қўлланилади?	Конденсация туфайли рамка ичида моғор пайдо бўлишининг олдини олиш учун WGP гипсокартон остида таглик сифатида қўлланилиши керак.
Шамоллатиладиган ташқи девор тизимида ишлатиладиган минерал пахтанинг зичлиги қандай бўлиши керак?	Минерал пахтанинг юқори зичлиги яхшироқ иссиқлик изоляцияси қийматларини англабмайди. Иссиқлик изоляциясининг бўшлиқларсиз профиллар орасига ётқизилиши муҳим аҳамиятга эга. Рухсат этилган зичлик 20 кг/м ³ дан.





WGP ҚЎШ СИНЧЛИ ТАШҚИ ДЕВОРЛАР ТИЗИМИДА

Тизимдаги WGP қўш синчли ташқи деворлартизимида баландлиги 100 м дан ортиқ бинолар учун шамол юкига бардош беришга мўлжалланган ва кенглиги 100 мм ва қалинлиги 0,9 мм бўлган таянч профилларидан фойдаланилганда:


- 166 км/соат, агар таянч профилларнинг марказий ўқлари масофаси 40 см бўлса;
- 150 км/соат, агар таянч профилларнинг марказий ўқлари масофаси 60 см бўлса.



Қўш синчли ташқи деворларни қўшимча материаллари


Йўналтирувчи профили 38x38 мм (50-75-100)		Пол ва шифтга ташқи девор тизимини мустахкамлаш билан
Ташқи профил 45x30 мм (50-75-100)		Рухланган девор қалинлиги 0,9 мм, 45x30 мм гардиш баландлиги, ташқи деворларнинг қўш синчли тизимининг профили билан қопланган
Таянч профили 53x42 мм (50-75-100)		0,6 мм қалинликдаги рухланган профил, гардиш баландлиги 53x42 мм, таглик кенлиги эса 50-75-100 мм, иккита рамкали ташқи деворларда фойдаланиш учун
Профил Омега25x25x26 мм		Бу иккита таянч профилини бир-бирига улаш учун, 0,5 мм қалинликдаги рухланган профилдир
Зичловчи тасма 50-75-100		Овоз изоляцияси ва иссиқликдан ҳимоя қилувчи ўзи ёпишадиган ёпишқоқ эластик лента, кенлиги 50-75-100 мм
Бошлангич профил		WGPни полдан ажратиб турувчи ПВХ асосидаги профил
Квартс қумидан тайёрланган минерал пахта		Ички ва ташқи фойдаланиш учун изоляцион материал
Дюбел –винт		Рухланган профилларни 8 мм диаметрли пластик дюбел ва 45 мм винт билан темир бетонга маҳкамлаш учун

Ўзи буралувчи винт		Ташқи панелларни девор қалинлиги 0,7 мм гача бўлган профилларга улаш учун зангга қарши ўзи буралувчи винт
Ўз-ўзидан буралувчи винт		Ташқи панелларни девор қалинлиги 2 мм гача бўлган профилларга улаш учун зангга қарши ўз-ўзидан буралувчи винт
Олти қиррали ўзи-ўзидан буралувчи винт		Фасад профилларини туткичларга маҳкамлаш учун махсус винт
Ўзи буралувчи винт		WoolAn Glassmat plita орқали, девор қалинлиги 0,7 мм гача бўлган профилларга хона томонидан гипсокартонни маҳкамлаш учун қўлланиладиган ўзи буралувчи винт



Ташқаридан кўриниши

- Ўзи бураладиган винт
- WGP панеллари
- Минерал пахта
- Таянч профилъ
- Йўналтирувчи профил
- Зичловчи тасма



Ичкаридан кўриниши

- Гипсокартон
- WGP панеллари
- Минерал пахта
- Таянч профили
- Профил Омега

МАТЕРИАЛЛАР САРФИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Материалларнинг номлари	1 м ² сарфи
	↔ 40 см (*)
WGP панеллари	2,10 м ²
Гипсокартон	1,05 м ²
Таянч профиль 50/75(53x42 мм/ 0.6 мм)	2,9 м
Таянч профиль 75/100 (45x30 мм/ 0.9 мм)	2,9 м
Йўналтирувчи профил 50/75 (38x38; 0,6 мм)	0,84 м
Йўналтирувчи профил 75/100 (38x38; 0,6 мм)	0,84 м
Профил Омега (27x25; 0,6 мм) (хар 70 см)	1,6 м
Минерал пахта (паст зичликлик)	2,10 м ²
Ўзи бураладиган винт (ораси — 20 см)	24 дона
Ўзи бураладиган винт (ораси — 40см)	14 дона
Ўзи бураладиган винт 38 (ораси 30 см)	16 дона
Боши олти қиррали ўзи бураладиган винт	12,5 дона
Дюбел-винт	5,9 дона
Зичловчи тасма	2,9 м
Улагич ёки қозғалти тасма	1,8 м
Ўрикларни ёпиш учун қоришма	0,4 кг
Бошловчи профиль	Асос периметрига боғлиқ

(*) ↔ 40 см- таянч профилини ўқлар орасидаги ўлчамини англатади

!!! – ҳисоблаш 4x2,5м = 10 м², бўлган деворда амалга оширилди ҳисоб-китобларга 5% руҳсат киритилган.


ҚЎЛЛАНИШИ

1




Икки қаватли ташқи девор тизими кўп қаватли бинолар учун юқори самарали ечимдир, ўрнатиш (3 қаватгача).

2




Таянч ва йўналтирувчи профилларининг пол, шифт, устунлар билан алоқа қиладиган тескари томони зичловчи тасма билан ёпиштирилган.

3




Профиллари ўрнатиш. Таянч профили шифтга 60 см ораликда дюбеллар билан бириктирилади, шунда у синч чегарасидан 12,5 ёки 15 мм ичкарига киради.

4




Шифтдаги профил чизиғи вертикал даражадаги ўлчовдан фойдаланиб, полга ўтказилади.

5




Таянч профили WGP қалинлигини ҳисобга олган ҳолда четдан 12,5 мм ёки 15 мм ораликда жойлаштирилади.


6




Таянч профили полга 60 см ораликда дюбеллар билан қотирилади.




Йўналтирувчи профиллар полдан шифтгача бўлган масофадан 1 см камроқ кесилади.



Олдиндан бириктирилган зичловчи тасма билан йўналтирувчи профили 60 см дан ортиқ бўлмаган оралиқда дюбел билан мавжуд устунга қотирилади.




Йўналтирувчи профиллар 40 см масофада таянч профилларга жойлаштирилади.



WGPни профилга улашдан олдин, бошланғич профилни пол даражасидаги таянч профилига бириктириш керак.




Кесиш чизиғи қалам билан белгиланади.



WGP олдиндан белгиланган чизиқ бўйлаб ўлчагич ёрдамида пичоқ билан кесилади.

13




WGP синча қотирилади.

14




WGP пластик бошланғич профилдан ўтади ва таянч профилига қотирилади.

15



Биз WGP ни ўзи буралувчи винтлар билан 20 см вертикал ва 40 см горизонтал масофада маҳкамлаймиз.

16




WGP бутун бўшлиқни тўлдиради ва шахмат тахтаси шаклида синча маҳкамланади

17




Профиллар орасига минерал пахта ётқизилинади.


18




Самарали иссиқлик изоляциясини таъминлаш учун минерал пахта профиллар орасидаги бутун бўшлиқларни тўлдириш учун ишлатилади.




Девор бўйлаб бир хил иссиқлик изоляциясини таъминлаш учун минерал пахта эҳтиёткорлик билан ётқизилиб, иссиқлик изоляциясининг узлуксизлигини ва профиллар орасидаги бўшлиқларсиз бўлишини таъминлайди.




Омега профилларини жойлаштириш. Омега профиллари горизонтал равишда 70 см оралиқда жойлаштирилади ва деворга йўналтирувчи профилларига қотирилади.




Омега профиллари горизонталдан 10 даража бурчак остида жойлаштирилиши керак. Кейинги омега профиллари бир хил таянч профилига қотирилади.



Омега профили гардиш орқали таянч профилига иккита нуқтада олти қиррали винтлар билан қотирилиши керак.




Омега профиллари орасида қолган бўшлиқ ҳам ҳаво оқими-ни таъминлайди.




Таянч профилларининг 2-қаторини жойлаштириш. Таянч профилларнинг 1 ва 2-қаторлари ўртасида 2,5 см бўшлиқ қолдирилади. Ёпиштирилган зичловчи тасма билан таянч профили 60 см оралиқда дюбеллар билан қотирилади.

25




Йўналтирувчи профилларининг иккинчи қатори полдан шифт-гача бўлган баландликдан камида 1 см қисқароқ кесилиши керак.

26




Таянч профилининг иккинчи қатори, зичловчи тасма ёпиштирилган ҳолда, 60 см дан ортиқ бўлмаган ораликда дюбеллар билан мавжуд устунга ўрнатилади.

27



Қисқа гардиш ичкарига қараган ҳолда, профилларни жойлаштириш керак.

28




Таянч профилларининг иккинчи қаторини ўқларини бир-бирдан 40 см масофада жойлаштирилиши керак.

29




Таянч профиллари боши олти қиррали винт ёрдамида узун гардишнинг ички қисмидан Омега профилларига бириктирилади.

30




Иссиқлик изоляциясини ошириш учун иккинчи қатор профиллар орасига паст зичликдаги минерал пахта қўйилади.




Ягона иссиқлик изоляциясини таъминлаш ва профиллар орасидаги бўшлиқларни бартараф этиш учун иккинчи қаторнинг минерал пахталари ётқизилади.




WGP деворнинг ички юзасига шундай ўрнатиладики, маҳкамланган жойлари фасад плиталарини маҳкамлаш жойларига тўғри келмаслиги керак.




WGP профилларнинг ички юзасига 40 см ораликда ўзи буралувчи винтлар билан бириктирилган.



Деворнинг ташқи ва ички юзаларида улоқлари шахмат тартибда жойлашади.




WGPни ичкаридан маҳкамлагандан сўнг, керамика сувоги каби нам ишларни бажариш мумкин.



Нам ишни тугатгандан сўнг, ички қисм гипсокартон билан қопланади. Гипскартон улоқлари WGP улоқларига тўғри келмаслиги керак.




Орадаги масофаси 30 см вертикал ва 40 см горизонтал босқичларда 38 винт билан маҳкамланади.




Гипскартон WGP устига маҳкамланган, аммо улоқлар шахмат тахтаси каби WGP улоқлари билан профилга боғланган бўлиши керак.


ДЕРАЗА РОМ ЎРИНЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТАФСИЛОТЛАРИ




Ром жойлашган чизиққа мос келадиган вертикал чизиқда йўланган ва таянч профиллари бир-бирига бириктирилади.




Қўшилган профиллар ромнинг ён томонларига ромнинг кенглигига мос келадиган чеккаларига жойлаштирилади.




Перемичка профилини яратиш. Қалинлиги 0,6 мм бўлган П шаклидаги профил кесилади ва чеккалари 20 см юқорига бурилади.




Пастки перемичка профилини жойлаштириш. Перемичка ойнанинг пастки қисмида жойлашади.




Перемичка камида иккита нуқтада винтлар ёрдамида ичкаридан ён профилларга қотирилади.




Юқори перемичка профилини дераза ўлчамига қўра жойлаштинг ва уни икки четидан ён томонларга бураб қотириб қўйинг.




Ром жойлашадиган бўшлиқдаги металл ром ўрни тугалланди.




Агар керак бўлса, ойна остида ва юқорисида қўшимча профилларни ўрнатиш мумкин.




Тўғри ўрнатиш. WGP улоқлари ром четларини ўртасида учрашиши керак.




Нотўғри ўрнатиш. WGP улоқлари ромни четларига мос келмаслиги керак.



Омега профили икки қаторли профил орасига жойлаштирилади ва шайбали винтлар ёрдамида ўрнатилади, дераза роми атрофинини мустаҳкамлаган холда.



Омега профили билан яна ромни вертикал ўринлари тўлдирилади ва винтлар билан қотирилади.




WGP, мос ўлчамларда, кесилади ва ром атрофларига ётқизилади.




Ўрнатиладиган қисмлар ўзи бураладиган винтлар билан маҳкамланади. Ром ўрнатиладиган ойнани ўрни тайёр.


ЭШИК РОМЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАФСИЛОТЛАРИ




Эшик рамкаси бириктириладиган вертикал чизикда йўналтирувчи ва таянч профиллари бир-бирига ўрнатилади.




Қўшалок профиллар эшик ўрнатиладиган ўрнини четлари бўйлаб, эшикнинг кенглигига мос келадиган масофада жойлаштирилади.




Перемичка профилини яратиш. 0,6 мм қалинликдаги йўналтирувчи профили эшикнинг кенлигида кесилади ва тўғри бурчак остида 20 см юқорига эгилади.




Перемичка профилини ўрнатиш. Яратилган перемичка профили эшик ўрнининг юқори қисмига жойлаштирилади.



Перемичка профили баландликка ўрнатилади.



Перемичка профили ён профилларга ичкаридан камида 2 та винт билан ўрнатилади.




Агар керак бўлса, сиз 40 см ораликда эшик устига қўшимча йўналтирувчи профилларини ўрнатишингиз мумкин.




Тўғри ўрнатиш. WGP улоқлари ром атрофининг ўртасида учрашиши керак.




Нотўғри ўрнатиш. WGP улоқлари ромнинг четларига тўғри келмаслиги керак.



Мос келадиган тегишли ўлчамдаги Омега профили эшик ўрнатиладиган ўрни аторфига қотирилади.



Ўрнатиш қисм ўзи бураладиган винтлар билан маҳкамланади. Эшик ўрни эшикни ўрнатишга тайёр.



Тегишли ўлчамдаги WGP кесилади ва эшик ўрнига жойлаштирилади. Ўрнатиш қисмлар ўзи бураладиган винтлари билан маҳкамланади. Эшик ўрни эшикни ўрнатишга тайёр.

ТАШҚИ ДЕВОРНИ ҚЎШ СИНЧЛИ ТИЗИМИ ҲАҚИДА ТЕЗ-ТЕЗ СЎРАЛАДИГАН САВОЛЛАР

САВОЛЛАР

Қўш синчдан ташқи деворда фойдаланиш учун бинонинг максимал баландлиги қанча?

Қўш синчли ташқи девор тизимида омега профили керакми?

Қўш синч ли ташқи девор тизимларида минерал пахта-нинг иккинчи қавати керакми?

ЖАВОБЛАРИ

166 км/соат шамол тезлиги учун девори қалинлиги 0,9 мм ва йўналтирувчи профилларининг марказий масофаси 40 см бўлган профил ишлатилса, баландлиги 100 м дан ортиқ бўлган биноларда фойдаланиш тавсия этилади.

Юзаки огирликларни қоплаш учун йўналтирувчи профилнинг биринчи қатори ва иккинчи қатори омега профиллари орқали уланади.

Минерал пахта-нинг иккинчи қавати иссиқлик ва товуш изоляциясини керакли қийматига эришишга имкон беради.



BOG'LANISH UCHUN MA'LUMOT:

+998 93 510 00 96

+998 99 803 99 96